

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**22-сон**  
**(58)**  
**2002 й.**  
**ноябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

174. «Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори
175. «Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 ноябрдаги 398-сон қарори
177. «Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдаги 402-сон қарори
178. «Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдаги 403-сон қарори
179. «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори
180. «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори

181. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарори
182. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сон қарори

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **174** Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фаолиятнинг айрим турлари амалга оширилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2003 йил 1 январдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига улгуржи савдо фаолияти киритилсин.

2. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 30-модда):

1-банднинг биринчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «илова қилинаётган рўйхатга» сўзлари «Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 5 ноябрь,  
380-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар  
томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга  
ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Фаолият турининг номи
1.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмларни сотиб олиш ва сотиш
2.	Муҳр ва штамплар тайёрлаш
3.	Меҳмонхоналар, отеллар ва кемпинглар ташкил этиш
4.	Юридик шахсларга капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш
5.	Лойиҳа, лойиҳа-конструкторлик фаолияти ҳамда лойиҳалар ва сметаларни экспертизадан ўтказиш
6.	Нефть маҳсулотларининг барча турларини сотиш
7.	Улгуржи савдо

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 175 Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика молия-банк тизимини ривожлантириш тенденциялари ва қонуниятларини чуқур ўрганиш, молия ва банк тизимининг ривожлантирилишини янада ислоҳ қилинишини ва эркинлаштирилишини прогнозлашнинг мустақкам илмий-методологик базасини яратиш, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий устуворликларини ва мақсадли вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини шакллантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон банклар уюшмасининг Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогнозлаш институтини (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика банк-молия тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолатини чуқур изчил таҳлил қилиш, банк-молия тузилмалари фаолиятининг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва шу асосда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

банк-молия тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг макроиқтисодий ва бюджет сиёсати билан ўзаро узвий мувофиқлаштирилган, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг мақсадли вазифаларига ва устувор йўналишларига, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қабул қилинган комплекс дастурларига мувофиқ бўлган стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиш;

пул-кредит муносабатларининг ривожланиш тенденцияларини ва пул муомаласи механизмининг чуқур ўрганиш, пул агрегатларини макроиқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, пул массаси ўсишини чеклаш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш, пул тизимини мустаҳкамлаш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг харид қувватини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш, пул айланмасидаги нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини аниқлаш;

қисқа муддатли ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган асосий мониторинг кўрсаткичларнинг прогноз параметрларини асослаш;

ички валюта бозорининг ривожланиш тенденцияларини, банклараро валюта савдоларини ташкил этиш механизмининг ўрганиш, алмаштириш курслари ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш, валюта сиёсатини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш, банклараро валюта бозорини ривожлантириш, давлат валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш, олтин-валюта захираларининг барқарор кўпайишини таъминлаш бўйича таклифларни асослаш;

таҳлил асосида республиканинг икки босқичли банк ва молия тизимларини янада такомиллаштириш, тижорат банклари ва молия институтлари фаолиятининг мустақиллиги ва барқарорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро молия-банк тизимининг ривожланиш тенденциялари мониторингини амалга ошириш, жаҳон молия оқимлари динамикаси ва йўналишларини таҳлил қилиш, республика молия-банк тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда уни жаҳон молия тизимига интеграциялаш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Институт Республика банк кенгашининг ишчи органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳисоб беради.

4. Институтнинг ходимлари чекланган сони 32 нафардан иборат бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика банк кенгашига, зарурат бўлганда, Институтнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

Институт директори мақоми, моддий ва маиший таъминот шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосарига тенглаштирилсин.

5. Республика банк кенгаши:

икки ҳафта муддатда Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогнозлаш институти тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Институтда ишлаш ва тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали илмий ходимларни, молия ва банк соҳаларидаги миллий ва халқаро экспертларни жалб этиш чоратадбирларини кўрсин;

Институтга халқаро молия ташкилотлари, хорижий жамғармалар ва бошқа манбалар грантларини жалб этишда кўмаклашсин.

6. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Институт ходимлари ва жалб этиладиган экспертлар, илмий ходимлар ҳамда мутахассислардан, шу жумладан хорижий мутахассислардан вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш йўли билан тадқиқотлар ўтказиш;

тадқиқотларга давлат бошқарув органлари, идоралар, тижорат банклари ва бошқа молия муассасалари мутахассисларини, тадқиқот марказлари ходимларини, олий ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчиларини контракт асосида жалб этиш;

халқаро ташкилотлар, хорижий молия муассасалари, жамғармалар, университетлар ва тадқиқот марказлари билан тадқиқотлар ва биргаликдаги ишларни амалга ошириш юзасидан шартномалар тузиш;

Институт ходимларини ва тадқиқотлар учун жалб қилинаётган мутахассислар ва экспертларни хорижий тадқиқот марказлари ва университетларга тажриба орттиришга ва ўқишга юбориш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, молия ва банк секторларини ривожлантириш муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий обзорларни ва маърузаларни чиқариш;

марказий иқтисодий органлар, вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлардан Институтга юкланган вазифалар доирасида зарур норматив, статистик ва таҳлилий ахборотларни сўраш ва олиш.

#### 7. Институт:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Олий Мажлис материаллари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив ва йўриқнома ҳужжатлари мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистика ахбороти бюллетенлари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маблағлари, Фан ва технологиялар маркази, халқаро молиявий ташкилотлар грантлари, Ўзбекистон банклар уюшмаси, тижорат банклари ва бошқа молия-иқтисодий тузилмаларнинг буюртмалари, шунингдек Институтнинг ўз фаолиятдан олинадиган даромадлар Институтни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

9. Институт Тошкент шаҳри, А. Қаюмов тор кўчаси, 2-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда:

Институтнинг кўрсатиб ўтилган биносини Ўзбекистон банклар уюшмасидан ўз балансига олсин;

Ўзбекистон банклар уюшмасига Институт биносининг қурилиши билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни тўласин.


11. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Институтни телефон ва телекоммуникация алоқасининг зарур турлари, шу жумладан ҳукумат телефони алоқаси билан таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 18 ноябрь,  
398-сон

### Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогноزلаш институтининг ТУЗИЛМАСИ



Жами: 32 киши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **177** Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 сентябрдаги Ф-1629-сон фармойишини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 сентябрдаги Ф-1629-сон фармойиши билан ташкил этилган махсус комиссия томонидан чакана савдо объектларининг аҳволи текширилганлиги, текшириш натижасида куйидаги жиддий тартиб бузилишлари аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хусусийлаштирилган 1716 та савдо корхоналари эгалари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда хусусийлаштириш тўғрисидаги шартномаларда белгиланган фаолият йўналишининг ўзбошимчалик билан ўзгартирилишига йўл қўйилган. Бундай тартиб бузилишларининг энг кўпи Тошкент (592), Фарғона (316) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (255) қайд этилган.

Савдо ташкилотлари томонидан белгиланган савдо, олинган савдо тушумини инкассация қилиш қоидаларининг қўпол бузилиши ҳоллари мавжуд. Текшириш давомида хусусийлаштирилган чакана савдо объектларининг 3640 таси, шу жумладан Сурхондарё вилоятида — 606, Андижон вилоятида — 621, Қорақалпоғистон Республикасида — 348 таси амалда ишламаётганлиги аниқланди. 5 мингдан ортиқ савдо объектида солиққа оид қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилган. Текшириш вақтида 4169 та дўконда назорат-касса аппаратлари мавжуд бўлмаган, 2815 та дўконда эса нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилишига йўл қўйилган. 4,6 мингдан ортиқ дўконда савдо жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатномаларисиз амалга ошириб келинган.

Ақсарият ҳолларда юридик ва жисмоний шахслар томонидан янги ташкил этилаётган ва реконструкция қилинаётган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ келмайди, қарийб 4 минг савдо корхонаси ўзининг ички ва ташқи дизайнига кўра белгиланган талабларга жавоб бермайди. 4465 дўкон (фаолият кўрсатаётганларининг 12,1 фоизи) санитария нормалари ва талабларига мувофиқ келмайди.

Мавжуд савдо майдонларидан паст даражада фойдаланилмоқда. Хусусийлаштирилган дўконлар бўйича ушбу кўрсаткич 30-40 фоиздан ошмайди, қолган майдонлар ижарага берилган ёхуд амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда ўйинхона ва кўнгилочар муассасалар этиб қайта жиҳозланган. Масалан, хусусийлаштирилган 513 та дўкон негизида ўйинхона ва кўнгилочар муассасалар, шу жумладан 323 та миллиардхона ташкил этилган.

Юқорида қайд этилган тартиб бузилишлари натижасида фуқаролар манфаатларига, энг аввало, уларни яшаш жойларида тегишли даражадаги савдо хизмати ва хизмат турлари билан таъминлашда жиддий зарар етказилмоқда. Савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида вужудга келган ишларнинг бундай аҳволини тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол деб эътироф этиш керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

аниқланган барча бузилишларнинг икки ой муддатда тузатилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар ва бундан буён уларнинг такрорланишининг олдини олишга доир таъсирчан чора-тадбирлар кўрсинлар;



савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсатиб ўтилган тартиб бузилишларига олиб келаётган амалдаги нормалар ва идоровий норматив ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил 20 январгача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолият йўналишини ўзгартириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади; қулайлик ва аҳолини қамраб олиш нормаси ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилган озиқ-овқат товарлари сотувчи чакана савдо объектларининг фаолият йўналиши ўзгартирилмайди.

Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолият йўналиши қарорнинг ушбу бандида белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ўзбошимчалик билан ўзгартирилган тақдирда, хусусийлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳақиқий эмас деб эътироф этилади ҳамда объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатлар қайтарилган ҳолда объект қайта сотилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек бошқа хусусийлаштирилган корхоналар эгалари томонидан фаолият йўналишини сақлаб қолиш юзасидан хусусийлаштириш шартномаларида назарда тутилган шартларга риоя этилиши устидан доимий мониторингни таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси чакана савдо объектларини қуришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозликка доир қонун ҳужжатларига, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан талабни кучайтирсинлар, минтақаларда савдо корхоналари тармоғи аҳолининг жойлашуви хусусиятини ва кенг қамраб олинишини назарда тутган ҳолда ривожлантирилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ўн кун муддатда таклифлар киритсин;

идоровий норматив ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.Қ. Исмоилов ва М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 ноябрь,  
402-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**178** Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келиш ва ички бозорда сотиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2002 йил 1 декабрдан бошлаб ноозиқ-овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт қилинганда йиғим ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товар божхона қийматининг 10 фоизи миқдорда белгилансин.

Бунда кўрсатиб ўтилган йиғим миқдори товарларни олиб келишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 52-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 ноябрь,  
403-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**179** Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишида уларга қўйиладиган талабларни бирхиллаштириш, савдо корхоналарининг савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

1. 2002 йил 1 декабрдан бошлаб улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар амалга ошириладиган савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкый жавобгарликни таъминлайдиган миқдорларда устав жамғармасига ва бошқа активларга эга бўлиши шарт бўлган тартиб белгилансин.

Шундан келиб чиққан ҳолда белгилаб қўйилсинки, ихтиёрида тегишли моддий-техник базага (ўз омборхоналарига ва асбоб-анжомларига) эга бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказиш вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 6000 баравари, шундан — пул маблағлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 баравари миқдорига устав жамғармасини шакллантирган юридик шахслар улгуржи савдони амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, буюм бозорларида истеъмол товарлари билан чакана савдо белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилган, чакана савдо ҳуқуқига ва экспорт-импорт операцияларини ўтказишга рухсат гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан, «Эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлган, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар тўланган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Бунда импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни божхонада расмийлаштириш жисмоний шахслар — якка тартибдаги тадбиркорларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши шарт.

Чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар белгиланган тартибда даромадлар ва товар операциялари ҳисобини юритишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг болалар, ўқув ва тиббиёт муассалари яқинида жойлашган дўконларда алкогольли маҳсулотлар сотишга рухсат гувоҳномалари бериши тақиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2003 йил 1 январгача савдо фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар қайта рўйхатдан ўтказилишини, уларнинг ҳужжатлари ва савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари мазкур қарор талабларига қатъий мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 26 ноябрь,  
407-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ягона ёндашувлар ва талабларни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда юридик шахслар томонидан улгуржи савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартибини, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ўзлари маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчи юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда фойдаланиладиган асосий тушунчалар ва таърифлар:

бозор — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда ва белгиланган қоидалар бўйича савдо фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, белгиланган тартибда ана шундай мақом олган доимий ёки вақтинчалик асосда фаолият кўрсатадиган мулк комплекс;

улгуржи савдо — савдо соҳасида товарларнинг йирик туркумларини ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли бўйича, уни тижорат тадбиркорлик фаолияти мақсадида ёки ўз ишлаб чиқариш — хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишни мўлжаллаётган хўжалик юритувчи субъектларга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш;

чакана савдо — савдо соҳасида яқуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш;

турғун чакана савдо шаҳобчаси — жойлардаги давлат ҳокимияти органлари қарори билан ажратилган ер участкаларидаги Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси органларида белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилган, санитария ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва талабларига жавоб берадиган, савдо залига, савдо асбоб-анжомларига ҳамда товарларни сақлаш, сортларга ажратиш ва қадоқлаш учун хоналарга эга бўлган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган объект (бино, иншоот).

### **II. Улгуржи савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби**

3. Улгуржи савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар, улар фақат давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларида улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига 1-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин.

4. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномасини олиш учун юридик шахслар солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

уставнинг «улгуржи савдо» фаолият тури кўрсатилган, нотариал тасдиқланган нусхаси;

юридик шахсда тегишли моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

аризада кўрсатилган муддат мобайнида улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси;

устав жамғармасининг мазкур Низомда талаб қилинган пул маблағлари тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

5. Рухсат гувоҳномаси юридик шахсларга фақат улгуржи савдони амалга ошириш учун моддий-техник база — товарларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи ўз омборхоналари ва асбоб-анжомлари мавжуд бўлганда берилиши мумкин.

Бошқа жойда жойлашган қўшимча омборхоналар мулк сифатида сотиб олинганда ёки ижарага олинганда улгуржи ташкилот бу ҳақда рухсат гувоҳномаси берган органи ва давлат солиқ хизмати органини бир ҳафта муддатда ёзма равишда хабардор қилади.

6. Рухсат гувоҳномаси энг кам ойлик иш ҳақининг камида 6000 баравари, шундан пул маблағлари — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 баравари микдоридagi устав жамғармасини шакллантирган юридик шахсларга берилади.

7. Рухсат гувоҳномаси аризада кўрсатилган, бироқ уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

8. Хўжалик юритувчи субъект томонидан улгуржи савдони амалга ошириш қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда рухсат гувоҳномаси давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра уни берган туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан қайтариб олиниши мумкин.

9. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ой мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаганда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги товарлар сотиб олиш ва сотиш юзасидан шартномалар, шунингдек ушбу товарларни сотиб олиш учун пул маблағлари манбалари мавжуд бўлган тақдирда рухсат гувоҳномасининг амал қилишини тиклаши мумкин.

10. Товарлар фақат тузилган шартномалар асосида ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида қўйидагиларга улгуржи сотилиши мумкин:

назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо тармоғига эга бўлган юридик шахсларга;

махсус истеъмолчиларга, давлат таъминоти муассасаларига, давлат таъминоти муассасаларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган савдо фирмаларига;

ўз ишлаб чиқариш — хўжалик фаолияти учун юридик шахсларга;

фақат юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда кичик туркумлар билан жисмоний шахсларга.

11. Чакана савдо билан шуғулланувчи юридик шахсларга улгуржи сотишда шартномага сотиб олувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг турғун савдо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилиниши керак.

Товарлар кичик туркумлар билан турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга сотилган тақдирда шартномага сотиб олувчи

рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг турғун савдо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилиниши керак.

12. Улгуржи савдони амалга оширувчи юридик шахсларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **III. Юридик шахслар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби**

13. Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларида чакана савдони амалга оширишга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланиши мумкин.

14. Чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олиш учун юридик шахслар турғун савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

уставнинг «чакана савдо» фаолият тури кўрсатилган, нотариал тасдиқланган нусхаси;

юридик шахсда тегишли моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

назорат-касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;

чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

15. Рухсат гувоҳномаси юридик шахсларга фақат товарларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадоқланишини таъминловчи савдо асбоб-анжомлари, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ўзининг ёки бошқа юридик шахслардан ижарага олинган чакана савдо объектлари мавжуд бўлганда берилиши мумкин.

16. Рухсат гувоҳномаси ҳар бир турғун чакана савдо шохобчасига аризада кўрсатилган, бироқ икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

17. Чакана савдони амалга ошириш қоидалари хўжалик юритувчи субъект томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда рухсат гувоҳномаси уни берган туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра қайтариб олинishi мумкин.

18. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилган тақдирда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги рухсат гувоҳномасининг амал қилишини товарларни сотиб олиш ва сотиш юзасидан шартномалар, шунингдек ушбу товарларни сотиб олишга пул маблағлари манбалари мавжуд бўлган тақдирда тиклаши мумкин.

Таъмирлаш ишлари ўтказилиши муносабати билан, шунингдек бошқа шунга ўхшаш ҳолларда фаолият вақтинчалик тўхтатиб турилган тақдирда, юридик шахс рухсат гувоҳномаси берган тегишли органи ва давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилиши керак.

19. Товарларни чакана сотиш юридик шахслар томонидан фақат турғун савдо шохобчалари орқали, назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Чакана савдони кўчма равишда (дўкончаларда) амалга оширишга йўл қўйилмайди, салқин ичимликлар ва музқаймоқлар сотиш бундан мустасно.

Кўчма савдони фақат юридик шахслар томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг савдони амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва жойлари кўрсатилган ҳолдаги рухсатномалари асосида, шунингдек тантаналар кунларида, савдо хизмати кўрсатиш юзасидан юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида, шартномада кўчма савдога қўйиладиган товарлар турлари ва миқдорини кўрсатган ҳолда амалга оширишга йўл қўйилади.

20. Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахслар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлакат, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

21. Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахсларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **IV. Юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва турғун чакана савдо шохобчалари орқали амалга ошириш тартиби**

22. Юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларидан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига 3-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин.

23. Чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олиш учун якка тартибдаги тадбиркорлар турғун савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

якка тартибдаги тадбиркор чакана сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза;

жисмоний шахснинг юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

якка тартибдаги тадбиркорда чакана савдо фаолиятини амалга ошириш учун моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

назорат-касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;

чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

24. Рухсат гувоҳномаси якка тартибдаги тадбиркорларга фақат товарларнинг сақланишини, сортларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадоқланишини таъминловчи ўзининг ёки бошқа юридик шахслардан ижарага олинган, савдо асбоб-анжомлари билан жиҳозланган чакана савдо объектлари мавжуд бўлганда берилиши мумкин.

25. Рухсат гувоҳномаси фақат якка тартибдаги тадбиркор томонидан унинг ча-



кана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, чакана савдо соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтирилаётган товарларни боғжонада расмийлаштириш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади.

26. Рухсат гувоҳномасида ушбу гувоҳнома билан чакана сотишга рухсат берилган товарлар туркумлари мажбурий тартибда кўрсатилган бўлиши керак.

27. Рухсат гувоҳномаси аризада кўрсатилган муддатга, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

28. Рухсат гувоҳномаси савдо қоидалари бузилишлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра қайтариб олиниши мумкин.

29. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилган тақдирда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги рухсат гувоҳномасининг амал қилишини тузилган шартномалар бўйича товарлар олинганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган тақдирда тиклаши мумкин.

30. Товарларни чакана сотиш якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фақат турғун савдо тармоқлари орқали, назорат-касса машиналари мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

31. Чакана савдони турғун савдо тармоқлари орқали амалга оширишда товарларни савдо шаҳобчасидан ташқарида, шу жумладан дўкончалар орқали сотишга йўл қўйилмайди.

32. Чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлакати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

33. Чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **V. Юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва буюм бозорларида амалга ошириш тартиби**

34. Юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар буюм бозорларида чакана савдони фақат қуйидагилар бўйича амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар:

якка тартибдаги тадбиркорларнинг бевосита ўзлари келтиришган импорт товарлар;

ўзлари тайёрлаган (сотилиши тақиқланмаган) товарлар;

ушбу товарларни ишлаб чиқарган бошқа якка тартибдаги тадбиркорлардан сотиб олинган товарлар.

35. Буюм бозорларида чакана савдони амалга оширмоқчи бўлган якка тартибдаги тадбиркор рухсат гувоҳномаси олиш учун буюм бозори жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидагиларни тақдим этиши зарур:

якка тартибдаги тадбиркор чакана савдода сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза;



юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчининг жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

буюм бозори маъмуриятдан якка тартибдаги тадбиркорга савдо жойи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

чакана савдо ҳуқуқига маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати нусхаси.

36 Рухсат гувоҳномаси фақат якка тартибдаги тадбиркор томонидан унинг буюм бозорларида чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, чакана савдо соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтирилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади.

37. Рухсат гувоҳномасида ушбу гувоҳнома билан чакана сотишга рухсат берилган товарлар гуруҳлари мажбурий тартибда кўрсатилган бўлиши керак.

38. Рухсат гувоҳномаси аризада кўрсатилган муддатга, лекин уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

39. Рухсат гувоҳномаси савдо қоидалари бузилишлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра қайтариб олиниши мумкин.

40. Буюм бозорларида товарларни чакана сотиш якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан назорат-касса машиналари қўллагандан, даромадлар ҳисобини мажбурий равишда юритган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

41. Импорт товарларни чакана савдода сотувчи якка тартибдаги тадбиркор юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида, экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак ҳамда унинг республика ҳудудига товарлар келтирилганлигини ва уларнинг божхонада расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, мувофиқлик сертификатларига, ягона божхона тўлови ва белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

42. Ўзи тайёрлаган товарларни чакана сотишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқариш шароитларининг мавжудлигини тасдиқловчи ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

43. Мазкур товарларни ишлаб чиқарган бошқа якка тартибдаги тадбиркорлардан сотиб олинган товарларни чакана сотишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркор-ишлаб чиқарувчи билан тузилган сотилаётган товарларнинг олди-сотди шартномасига эга бўлишлари шарт. Шартномада қуйидаги реквизитлар мажбурий тартибда кўрсатилган бўлиши керак:

якка тартибдаги тадбиркорлар — сотувчи ва сотиб олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг — сотувчи ва сотиб олувчи паспортларининг серияси, тартиб рақами ва берилган санаси;

якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг тартиб рақами ва берилган санаси ҳамда гувоҳномани берган давлат ҳокимияти органлари;

солиқ тўловчиларнинг ва рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ инспекциясининг идентификация рақамлари;

банк муассасасида ҳисоб рақамлари мавжуд бўлган тақдирда банк реквизитлари.

44. Буюм бозорларида чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбир-

корларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### VI. Ушбу Низомга риоя этилиши юзасидан жавобгарлик ва назорат

45. Савдо фаолиятини рухсат гувоҳномасиз ёхуд унинг амал қилиши тўхта-тиб турилган ёки у олиб қўйилган даврда амалга ошириш фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш ҳисобланади ва бунинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб-гарлик чоралари қўлланади.

46. Савдо қоидалари бузилганда, санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бажарилиши таъминланмаганда, савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун йиғим ёки алоҳида товарлар билан савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия йиғими тўланмаганда рухсат гувоҳномаси қоида бузилишлари бартараф этилгунга қадар олиб қўйилиши мумкин.

47. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати орган-ларига, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органларига юкланади.

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини  
рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

\_\_\_\_\_ ҳокимлиги

Бланканинг серияси ва тартиб рақами
--

#### Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ

200 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ №

\_\_\_\_\_ га берилди.  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Почта манзили \_\_\_\_\_

Солиқ тўловчи идентификация рақами \_\_\_\_\_

ХХТУТ коди \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ жойлашган

\_\_\_\_\_ орқали

(база, улгуржи омбор)

200 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

**улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи берилди.**

Мў \_\_\_\_\_ имзо

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини  
 рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш  
 тартиби тўғрисидаги низомга  
 2-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

\_\_\_\_\_ **ҲОКИМЛИГИ**

Бланканинг серияси ва  
 тартиб рақами

**Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун  
 РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ**

**200** \_\_\_\_\_ **йил** \_\_\_\_\_ **№**

\_\_\_\_\_ га берилди.

(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Почта манзили \_\_\_\_\_

Солиқ тўловчи идентификация рақами \_\_\_\_\_

ХХТУТ коди \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ жойлашган турғун савдо

шоҳобчаси орқали

200 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

**чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи берилди.**

Назорат-касса машинаси \_\_\_\_\_ давлат солиқ инспекциясида

\_\_\_\_\_ тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Мў \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ имзо

Изоҳ. Рухсат гувоҳномаси ҳар бир савдо шаҳобчаси учун алоҳида берилади.

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини  
рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

\_\_\_\_\_ **ҲОКИМЛИГИ**

Бланканинг серияси ва  
тартиб рақами

**Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун  
РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ**

Сураат ўрни

200 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ №

\_\_\_\_\_ га берилди.  
(якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Почта манзили \_\_\_\_\_

Паспорт серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ томонидан берилган

Солиқ тўловчи идентификация рақами \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ жойлашган  
(чакана савдо турғун савдо шахобчаси орқали амалга оширилганда тўлдирилади)

турғун савдо шахобчаси орқали

200 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

Қуйидаги \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ товар гуруҳлари билан

**чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи берилди.**

Назорат-касса машинаси \_\_\_\_\_ давлат солиқ инспекциясида

\_\_\_\_\_ тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

МЎ

\_\_\_\_\_ имзо

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 180 Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сон Фармониغا мувофиқ ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техника базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Белгилансинки, устав фондининг энг кам миқдори:  
хаётни суғурта қилиш тармоғида ихтисослашаётган суғурталовчилар учун — 250 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммада;  
умумий суғурта тармоғига ихтисослашаётган суғурталовчилар учун — 150 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммада;  
қайта суғурта қилиш фаолиятига ихтисослашаётган суғурталовчилар учун (агар фаолият мавзуси фақат қайта суғурта қилиш бўлса) — 2 млн АҚШ долларига тенг суммада белгиланади.

Мажбурий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчилар учун устав фондининг энг кам миқдори 500 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммада белгиланади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи ва мазкур қарор билан белгиланган миқдордан кам устав фондига эга бўлган суғурталовчилар уни 2003 йил 1 августгача белгиланган миқдорларга етказишлари керак;

устав фондлари миқдори 2003 йил 1 августгача белгиланган энг кам талабларга мувофиқ бўлмаган суғурталовчилар суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас;

мазкур қарор чиққан вақтдан бошлаб ушбу қарорда белгиланган талаблардан кам устав фонди миқдорига эга бўлган суғурталовчилар ташкил этилиши тақиқланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

4. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Юридик шахслар учун суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича йиллик харажатлар нормативи маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган тушум йиллик ҳажмининг икки фоизи миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси идоравий норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 27 ноябрь,  
413-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта  
фаолиятини лицензиялаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабгорлари бўлишлари мумкин.

4. Суғурталовчи ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати, қоидага кўра, чекланмайди. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошланади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

**II. Лицензия талаблари ва шартлари**

5. Қўйидагилар суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

суғурта фаолиятини амалга оширишда олинган ахборотларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ махфийлигини таъминлаш;

лицензияловчи орган талабига кўра суғурта фаолиятини амалга оширишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотларни тақдим этиш;

лицензия талабгори раҳбари олий маълумотга ҳамда суғурта соҳасида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши керак;

лицензия талабгори (лицензиат) раҳбари бошқа суғурта ташкилотларида раҳбар лавозимини эгаллашга ҳақли эмас.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган лицензия талаблари ва шарт-

ларига кўшимча равишда қуйидагилар белгиланади:

- а) суғурталовчилар учун:  
устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг мавжуд бўлиши;
- б) суғурта брокерлари учун:  
суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга оширишда шартнома мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш;  
суғурта шартномасининг лицензиат миждози учун қулай шартларда тузилиши ва бажарилиши;  
суғурталашга доир воситачилик фаолиятини асосий фаолият тури сифатида амалга ошириш.

7. Суғурталовчилар томонидан суғурта турлари (класслари) қўшиб олиб борилганда қуйидаги қоидалар қўлланилади:

а) суғурталовчи лицензиясида лицензиат амалга оширишга ҳақли бўлган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади. Суғурта классси муайян умумий белгилар бўйича бирлаштирилган суғурта турлари йиғиндисини ифодалайди. Ҳар бир класснинг мазмуни ва ўтказиш шартлари бўйича талаблар мазкур Низомга 1-иловада келтирилган;

б) суғурта тури суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган ва суғурта қилдирувчига суғуртанинг бир ёки бир нечта классси доирасида кўрсатилган аниқ суғурта хизматини ифодалайди;

в) лицензиат, унда мазкур Низомда белгиланадиган суғурта классларини қўшиб олиб боришга доир чеклашларни ҳисобга олган ҳолда суғуртанинг тегишли класслари кўрсатилган лицензия мавжуд бўлган тақдирда икки ва ундан ортиқ суғурта классси белгилари ва мазмунини жамловчи суғурта турини ишлаб чиқишга ҳақлидир.

8. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширувчи лицензиат — суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини қўшиб олиб боришга ҳақли эмас, умумий суғуртанинг 1 ва 2-класслари бўйича фаолият бундан мустасно.

### III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) суғурталовчилар учун:  
юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

раҳбар тўғрисидаги маълумотлар (олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси ва меҳнат дафтарчасидан кўчирма);

лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

устав фондининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (банк маълумотномаси, мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар);

суғурта фаолиятининг иқтисодий асосланиши, унга суғурталаш операцияларини

ривожлантириш прогнозини, эҳтимол тутилган қайта суғурталаш битишувлари режасини, суғурта захираларининг ҳисоб-китоб режасини ўз ичига олувчи лицензияланаётган суғурта классификация бўйича бизнес-режа киради;

суғурталашнинг лицензия талаб қилинадиган турлари бўйича қоидалар (шартлар), лицензияда қўйиладиган бўлади: суғурталаш субъектлари доирасини белгилаш ва суғурта шартномаси тузиш бўйича чеклашлар, суғурта объектларини белгилаш, суғурта ҳодисалари рўйхатини белгилаш — ушбу ҳолатлар рўй берганда суғурталовчининг суғурта тўловлари бўйича мажбуриятлари пайдо бўлади, (асосий ва қўшимча шартлар), олиб қўйиш (таваккалчиларнинг ёки мол-мулкларни) бунда суғурталовчи мажбуриятларни бажармасдан озод бўлади, суғурта мукофотлари тарифлари (ставкалари), суғурталашнинг энг кўп (энг кам) муддати, суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта мукофотларини тўлаш тартиби, томонларнинг суғурта шартномаси бўйича ўзаро мажбуриятлари ва суғурта шартномалари бўйича тўловни рад этишнинг мумкин бўлган ҳолатлари суғурта шартномаси бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби.

Қоидаларга суғурта шартномалари намуналари илова қилиниши керак.

Лицензия талабгори раҳбари томонидан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (шартлари) икки нусхада тақдим этилади, уларнинг бетлари тикилган ва рақамланган бўлиши керак.

Фаолият тури фақат қайта суғурта қилишдан иборат бўлган лицензия талабгорлари мазкур бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этадилар, суғурталаш қоидалари (шартлари)га оид хатбоши бундан мустасно.

б) суғурта брокерлари учун:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури (унинг бир қисми) ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат; устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (банк маълумотномаси, мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар).

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар бир нусхада тақдим этилади.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи орган томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

11. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

12. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Рес-



публикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

13. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгоридан барча зарур ҳужжатлар билан ариза олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

14. Лицензиялар бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссияси таркиби ва комиссия тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Эксперт комиссияси мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Мажлисларнинг сўров йўли билан ўтказилишига ва расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан аризаси улар қабул қилиб олинган кунда эксперт комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади.

Эксперт комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни йиғирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

15. Лицензияловчи орган уч кун муддатда эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия битими имзолаш учун юборилади.

16. Лицензияловчи орган билан лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битимида қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият тури;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

17. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятига лицензиялар белгиланган шаклдаги махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкаси намуналари лицензияловчи орган томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

Лицензиялар лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳуж-

жатни тақдим этгандан ҳамда у лицензия битимини имзолагандан кейин лицензияловчи орган томонидан икки кун муддатда расмийлаштирилади.

Лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензиянинг асл нусхаси лицензиатга берилади, лицензия нусхаси белгиланган тартибда лицензияловчи органда сақланади. Лицензияни ёки лицензия бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссиясига киритилади.

Эксперт комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида уч кун муддатда қарор қабул қилади.

Аризалар такроран кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорларидан йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

## **V. Лицензиялар реестри**

22. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юрidik шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;  
лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;  
дубликат беришнинг асослари ва санаси.

23. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар лицензияловчи органдан ҳақ тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридagi тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

## **VI. Давлат божи тўлаш тартиби**

24. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятига лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридa давлат божи ундирилади.

Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

## **VII. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

25. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

26. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширишга ҳақли эмас.

27. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридa йиғим ундирилади.

28. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

29. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши, шунингдек эълонни лицензияловчи органга тақдим этиши шарт.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йнгим ундирилади.

### **VIII. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

30. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

31. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга: лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фаолиятни лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

### **IX. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

33. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

34. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатишга асос бўлган лицензия талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилишига қуйидагилар киради:

а) суғурталовчилар учун:

лицензиат учун қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа фаолият турларини амалга ошириш;

суғурта фаолиятини амалга оширишда олинган махфий ахборотни суғурта қилдирувчининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

б) суғурта брокерлари учун:

мижоз учун манфаатли эмаслиги олдиндан маълум бўлган суғурта шартномасини тузиш ва бажариш;

суғуртага доир воситачилик фаолиятини амалга оширишда олинган махфий ахборотни суғурта қилдирувчининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган унинг олдида лицензиат кўрган зарари миқдоридида жавоб беради.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

## Суғурта фаолияти классификатори

### 1. Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
I класс	Ҳаёт ва аннуитетлар	Куйидаги ҳолларда суғурта суммалари тўлаш бўйича суғурталовчининг мажбуриятларини назарда тутувчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами: — суғурта қилинувчининг суғурта муддати тамом бўлгунгача ёки суғурта шартномасида белгиланган ёшгача яшаши; — суғурта қилинувчининг вафот этиши; шунингдек суғурта шартномаси амал қилиши давридаги жорий тўловлар (аннуитетлар), III класс бундан мустасно
II класс	Никоҳ ва туғилиш	Никоҳга киришда ёки бола туғилганда суғурта суммаси тўланишини таъминловчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
III класс	Ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш	Умрбод рента тўланиши билан биргаликда ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
IV класс	Соғлиқни суғурта қилиш	Кўрсатиб ўтилган суғурта даври камида беш йилдан кам бўлмаган муддатга ёки суғурта қилинувчининг пенсия ёшига етгунига қадар белгиланиши шarti билан бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса ёки касаллик ёки касалланиш туфайли қаттиқ шикастланиш натижасида меҳнатга лаёқатлиликини йўқотганда суғурта суммалари тўланишини таъминловчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами. Бунда шартномада кўрсатилган суғурта даври суғурталовчи томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас

## 2. Умумий суғурта тармоғи


Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
1-класс	Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Қуйидаги ҳолларда: а) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиқнинг қаттиқ шикастланиши, ёхуд; б) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этган тақдирда, ёхуд; в) касаллик ёки муайян турдаги касаллик натижасида меҳнат қобилиятини йўқотиш, шу жумладан ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари, бироқ 2-класс ва IV класс бўйича суғурта шартномаларини истисно қилган ҳолда, суғурта қилинган шахсга суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси ёки пул компенсацияси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
2-класс	Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси тўланишини ёки касаллик ёки солиқнинг издан чиқиши муносабати билан суғурта қилдирувчининг пул компенсацияси (ёки унинг ҳам, бунинг ҳам комбинацияси)ни таъминловчи суғурта турлари жами, бироқ ҳаётни суғурта қилиш тармоқларининг IV класс бўйича шартномаларни истисно қилган ҳолда
3-класс	Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш	Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар, ҳаракатланадиган темир йўл таркиби бундан мустасно, йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
4-класс	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиби йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
5-класс	Авиация суғуртаси	Ҳаво кемаси, ҳаво кемасининг машина асбоб-ускуналари, жиҳозлари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
6-класс	Денгиз суғуртаси	Денгиз ва ички дарё кемалари, кемаларнинг машина асбоб-ускуналари, асбоб-ускуналари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш	Транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишда юклар, багаж ва бошқа мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш	Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилганлар бундан мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш	8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	Ер усти транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлардан фойдаланиш оқибатида, ташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага қиради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва сугурта қилиш шартлари бўйича талаблар
11-класс	Авиация сугуртаси доирасидаги жавобгарликни сугурта қилиш	Ҳаво кемасидан фойдаланиш оқибатида, авиаташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугурта турлари жами
12-класс	Денгиз сугуртаси доирасида жавобгарликни сугурта қилиш	Денгиз ва ички кемалардан фойдаланиш оқибатида, денгиз ташувчисининг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугурта турлари жами
13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш	10, 11 ва 12-классларда кўрсатилмаган таваккалчиликлар оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугурта турлари жами
14-класс	Кредитларни сугурта қилиш	Сугурта қилдирувчининг дебитори ночорлиги (банкротлик) ёки дебиторнинг сугурта қилдирувчи олдидаги қарзларни қайтариш мажбурияти бажарилмаслиги (ночорликдан ташқари) натижасида сугурта қилдирувчи зарар кўрганда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугурта турлари жами
15-класс	Кафилликни (кафолатларни) сугурта қилиш	Сугурта қилдирувчининг ўзига берилган кафолатни бажариши мажбурияти натижасида сугурта қилдирувчи зарар кўрганда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугурта турлари жами
16-класс	Бошқа молиявий таваккалчиликлардан сугурта қилиш	Қуйидаги ҳолларда: а) сугурта қилдирувчининг бизнеси (хўжалик фаолияти) узилиб қолиши ёки сугурта қилдирувчи томонидан амалга оширилаётган бизнес (хўжалик фаолияти) кўлами камайиши натижасида сугурта қилдирувчи зарар кўрганда; б) олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида сугурта қилдирувчи зарар кўрганда (17-классда кўрсатилгандан ташқари); в) шартномалар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш натижасида мазкур даражанинг а) ва б) бандларида кўрсатилгандан бошқа нобудгарчиликларга учраганда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугурта турлари жами
17-класс	Ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни сугурта қилиш	Суд муҳокамаси билан боғлиқ қўрилган харажатлар натижасида сугурта қилдирувчи зарар кўрганда сугурта қопламаси тўланишини таъминловчи сугурта турлари жами



Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомига  
1-ИЛОВА

**Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш схемаси**





Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларга қаршли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида» 1993 йил 23 декабрдаги 609-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 12-сон, 45-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Парвозларда қатнашувчи учувчилар — техник ходимлар таркибининг давлат мажбурий шахсий суғуртаси бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида» 1993 йил 29 декабрдаги 612-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гаровга қўйилган мулкни мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловлари миқдорларини белгилаш тўғрисида» 1994 йил 3 майдаги 233-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 5-сон, 26-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларга қаршли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида» 1993 йил 23 декабрдаги 609-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 603-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 12-сон, 55-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кредитлар қайтарилиши ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича ишларни ўтказиш учун аванс тарикасида бериладиган маблағлар қайтарилиши ҳамда фьючерс контрактлар бўйича қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 9 апрелдаги 179-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 4-сон, 16-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 29 июлдаги 321-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, сут ва чорва маҳсулотлари харид қилишга шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида қилиниши учун жавобгарликни суғурта қилиш тўғрисида» 1999 йил 25 мартдаги 132-сон қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Йўловчиларнинг мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида» 1993 йил 30 июлдаги 379-сон қарорига:

қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Умумий фойдаланиладиган ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида»;

1-бандда:

биринчи хатбошида «мажбурий шахсий давлат суғуртаси» сўзлари «мажбурий» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошида «тўлов» сўзи «суғурта мукофоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида «суғурта тўлови» сўзлари «суғурта мукофоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Умумий фойдаланиладиган ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларини мажбурий суғурта қилиш тегишли лицензияга эга бўлган суғурталовчилар томонидан амалга оширилади»;

3-бандда «мажбурий шахсий давлат» сўзлари «мажбурий» сўзи билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида» 1994 йил 26 январдаги 38-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 1-сон, 6-модда):

муқаддимада «суғурта тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-бандда:

«шахсий» сўзи чиқариб ташлансин;

банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита суғурталовчилар ҳисобланадилар»;

2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, вакил қилинган суғурталовчи суғурта суммаси тўлайди»;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки:

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридидаги суғурта мукофоти тарифи, шу жумладан вакил қилинган суғурталовчининг суғурта ўтказишга ушбу суғурта мукофотлари суммасининг 8 фоизи миқдоридидаги харажатлари 2002 йил 31 декабрга-ча амал қилади;

бир суғурта қилинувчига бир йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридидаги суғурта мукофоти тарифи — 2003 йил 1 январдан бошлаб жорий этилади»;

4-банддан «шахсий» сўзи чиқариб ташлансин.

Қуйидаги мазмундаги 41 ва 42-бандлар билан тўлдирилсин:

«41. «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (вакил қилинган суғурталовчи) мазкур қарорда белгиланган тартибда мажбурий давлат суғуртаси ўтказишни 2002 йил 31 декабрга-ча давом эттирсин.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (вакил қилинган суғурталовчи) мажбурий давлат суғуртаси ўтказишни мазкур қарорда белгиланган тартибда 2003 йил 1 январдан бошласин.

42. «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси 2003 йил 1 февралга-ча ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий ва бошлиқлар тар-

кибига кирувчи шахсларнинг мажбурий давлат суғуртасига тегишли ҳужжатлар рўйхати ва суғурта захиралари воситалари «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига берилишини таъминласин.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ҳужжатлар рўйхати ва суғурта захиралари воситаларини қабул қилсин, кейинги ҳар бир йил бошлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита билан зарур суғурта шартномалари тузилишини таъминласин».

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест Интернешнл», «Ўз-АИГ» қўшма суғурта компанияларини ва «АИГ-Ўзбекинвест» агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 23 ноябрдаги 565-сон қарорида:

мукаддимада «Суғурта тўғрисида» сўзлари «Суғурта фаолияти тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда «тижорат таваккалчиликларини умумий суғурта қилиш ҳамда чет эллик ва мамлакатимиз инвесторлари ҳаётини суғурта қилиш соҳасида суғурта хизматлари, шу жумладан эркин муомаладаги валютадаги тўлов билан» сўзлари чиқариб ташлансин.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари ходимларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида» 1994 йил 10 декабрдаги 631-сон қарорида:

қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида»;

мукаддимада «Суғурта тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1994 йил 4 мартдаги 114-сон қарори билан» сўзлари «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банд чиқариб ташлансин;

2-7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта суммаси тўлов кунда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 80 бараварини ташкил этади.

4. Белгилансинки, суғурта мукофоти Давлат солиқ қўмитаси (суғурта қилдирувчи) томонидан вакил қилинган суғурталовчига суғурта қилиниши керак бўлган суғурта қилдирувчининг ҳар бир ходимига тўлаш пайтида амал қилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 20 фоизи миқдорида тўланади.

5. «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (вакил қилинган суғурталовчи) мазкур қарорда белгиланган тартибда мажбурий давлат суғуртасини амалга оширишни 2002 йил 31 декабргача давом эттирсин.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (ваколатли суғурталовчи) мазкур қарорда белгиланган тартибда мажбурий давлат суғуртаси ўтказишни 2003 йил 1 январдан бошласин.

6. «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртасига тегишли ҳужжатларнинг нусхалари ва суғур-

та захиралари маблағлари 2003 йил 1 февралгача «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига берилишини таъминласин.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ҳужжатларни ва суғурта захиралари воситаларини қабул қилсин ҳамда ҳар бир кейинги йил бошлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан зарур суғурта шартномалари тузилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси қоидаларини тасдиқласин».

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзи юрар машиналар ва механизмлар эгаларининг мажбурий давлат фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тўғрисида» 1994 йил 31 декабрдаги 632-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 12-сон, 56-модда):

қарорнинг номида «фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси» сўзлари «фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси» сўзи билан алмаштирилсин;

муқаддима қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида транспорт воситаларидан фойдаланиш натижасида зарар етказилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади»;

1 ва 2-бандлардан «давлат» сўзи чиқариб ташлансин;

3-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларида «суғурта тўловлари» сўзлари «суғурта мукофотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта мукофотлари тўланиши устидан назорат қилиш Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати, Давлат қишлоқ хўжалиги техник назорати органларига, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ суғуртанинг мазкур турини амалга оширувчи суғурталовчиларга юклансин»;

5-бандда «тўловлар» сўзи «мукофот» сўзи билан алмаштирилсин;

6-бандда «Давлат» сўзи чиқариб ташлансин;

илова янги таҳрирда баён қилинсин:

«транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича транспорт воситаси бирлигидан бир йилда бир марта ундириладиган суғурта суммаси ҳажмидан суғурта мукофотлари тарифлари миқдорлари (фоизларда):

Транспорт воситалари	Суғурта суммаларининг қабул қилинган ҳажмидан суғурта мукофотлари тарифлари (қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдори)	
	Юридик шахслар	Жисмоний шахслар
Енгил автомобиллар, автобуслар	1,5	1
Юк автомобиллари	2	1,5
Троллейбуслар, трамвайлар	1	—
Тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўзи юрар машина ва механизмлар	1	1
Махсус енгил автомобиллар ва микроавтобуслар	1	1
Мототранспорт	0,5	0,5

Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни ундириш учун суғурта суммаларининг чекланган миқдорлари:

мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун (ҳар бир зарар етказилиши ҳола-

ти бўйича) — Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорда;

ўлимга олиб келган зарарни қоплаш учун (ҳар бир жабрланган бўйича) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорда».

VI. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мадад» агентлигини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1995 йил 26 июлдаги 292-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси 1995 й., 7-сон, 25-модда):

5-бандда «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси» сўзлари «Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд чиқариб ташлансин;

4-илованинг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Суғурта қопламаси тўлангандан кейин суғурталанувчи (фойда кўрувчи) суғурта натижасида қўрилган зарарлар учун масъул бўлган шахсга қўйиладиган талаблар ҳуқуқининг тўланган суммаси доирасида «Мадад» агентлигига ўтади».

VII. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 28 февралдаги 113-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 2-сон, 8-модда):

2-бандда «Ўзистикболстат» давлат қўмитасининг раиси» сўзлари «Макроиктисодиёт ва статистика вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга иловада:

9.2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9.2. Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғуртанинг бошқа турларини амалга оширади»;

9.4-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция фаолиятини амалга оширади»;

16-бандда «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Макроиктисодиёт ва статистика вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддан «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин.

VIII. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш ва лицензия берганлик учун давлат божи тўлаш тартиби тўғрисида» 1997 йил 6 мартдаги 125-сон қарориди:

1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, корхоналар ва қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли мулкӣ манфаатларининг суғурта ҳимояси «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятининг устувор йўналиши этиб белгилансин.

Банкларнинг кредитлари қайтарилмаганлиги учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурта қилиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аванс тариқасида бериладиган маблағларнинг қайтарилиши суғуртасининг ва фьючерс контрактлари бўйича 1 ва 2-иловаларга мувофиқ ҳамда суғурта тариқларининг миқдорлари: банкларнинг кредитлари қайтарилмаганлиги учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича 2,5% миқдорда ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аванс тариқасида бериладиган ва фьючерс контрактлар бўйича бериладиган маблағларнинг суғуртаси суғурта суммасининг 1 фоизи миқдорда бўлган схемаларга розилик берилсин»;

3-банд чиқариб ташлансин;

4-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг, унинг ижро этув-

чи аппаратининг тузилмаси ва компания ходимлари сони компаниянинг Кузатувчи кенгаши томонидан белгиланади»;

1, 4, 5 ва 5а-иловалар чиқариб ташлансин;

2 ва 3-иловалар тегишли равишда 1 ва 2-иловалар деб ҳисоблансин.

IX. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 14 мартдаги 144-сон қарориди:

муқаддимадан «республика шаҳарларида жойлашган» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банднинг иккинчи хатбошига «устав фонди» сўзларидан олдин «бошланғич» сўзлари қўшилсин;

2-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси суғуртанинг мажбурий давлат турларини ўтказишга вакил қилинсин.

Суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турлари «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

3-банд чиқариб ташлансин;

5-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, унинг ижро этувчи аппарати тузилмаси ва компания ходимлари сони компаниянинг Кузатувчи кенгаши томонидан белгиланади»;

қарорга 1, 2, 3 ва 3а-иловалар чиқариб ташлансин.

X. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 8 июлдаги 286-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 24-модда):

муқаддима қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Суғурта соҳасидаги муносабатларнинг давлат томонидан тартибга солиниши мақсадларида ва «Суғурта» фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади»;

1-иловада «суғурта ташкилотларини назорат қилиш бўлими» сўзлари «суғурта фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин»;

2-илованинг 3 ва 4-бандлари қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«3. Қўйидагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

бажарилиши мажбурий бўлган тўлов лаёқати нормаларини ва уларни аниқлаш тартибини, алоҳида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчиларнинг мажбуриятлари чекланган йўл қўйиладиган миқдорини ҳисоблаб чиқиш методикасини ҳамда мажбуриятларнинг жами миқдорини, суғурталовчиларнинг тўловга лаёқатлилиги бўйича ахборот бериш тартиби ва муддатларини белгилаш;

суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, тўловга лаёқатлиликнинг белгиланган нормативларини ва уларнинг молиявий барқарорлигига қўйиладиган бошқа талабларни таъминлаш;

суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари маблағлари шакллантирилиши ва жойлаштирилиши бўйича ҳисобот юритиш тартибини, ҳисоботлар тузишни белгилаш;

суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерга қўйиладиган бажарилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилаш;

суғурталовчилар томонидан молиявий ҳисобот берилиши шакллари, тартиби ва муддатларини белгилаш;



суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари ҳосил қилиш ва жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш;

суғурталовчилар томонидан суғурта ҳодисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича тадбирлар маблағ билан таъминланиши тартиби ва шартларини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг фаолиятини текшириш ва аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензиялари амал қилишини тўлиқ ёхуд суғуртанинг айрим турлари (даражалари)га нисбатан тўхтатиб туриш, шунингдек уларнинг амал қилишини тўхтатиш;

хар бир молиявий йил тамом бўлгандан кейин олти ой ўтгач суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича фаолият тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, шунингдек молиявий йил мобайнида суғурта бозорининг фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини эълон қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг ҳисоботлари ишончлилигини, шунингдек улар учун белгиланган тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари таъминланишини текшириш;

суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш;

ўз ваколатлари доирасида суғурталовчилар ишини методик таъминлаш;

суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта қилиш қоидалари (шартлари) ва суғурта тарифлари белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган пайдан бошлаб суғурта муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича норматив ҳужжатлар ва методик материалларни ишлаб чиқиш;

суғурта фаолияти масалалари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

суғурталовчилар тугатилган ва қайта ташкил этилган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

республикада суғурта фаолияти ривожланишининг ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш;

суғурта фаолияти бўйича мутахассисларни касбга тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга доир тадбирларни амалга ошириш, суғурта фаолияти масалалари бўйича семинарлар ва конференциялар ташкил этиш;

оммавий ахборот воситалари орқали суғурта фаолияти масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш;

ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича фуқароларнинг таклифлари ва сўровларини кўриб чиқиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш».

XI. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» 1999 йил 20 декабрдаги 532-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 12-сон 70-модда):

2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қурилиш пудрати шартномалари бўйича маблағ билан таъминлаш фақат шарт-

номалар суғурта полислари мавжуд бўлган тақдирда бошланади. Суғурта полиси суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган суғурта мукофоти тўлангандан кейин тақдим этилади»;

илованинг 1-банди иккинчи хатбошидан «Суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига» сўзлари чиқариб ташлансин.

ХII. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида» 2000 йил 12 январдаги 11-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 3-модда):

1-банднинг тўртинчи хатбошига «ййғимларининг» сўзидан кейин «(суғурта мукофотларининг)» сўзлари қўшилсин.

2-бандда «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ва Ўзбекистон Республикаси бошқа суғурта ташкилотларининг полиси мавжуд бўлган тақдирда» сўзлари «қонун ҳужжатларига мувофиқ суғуртанинг мазкур турини амалга оширувчи суғурталовчининг полиси мавжуд бўлган тақдирда» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

«илованинг номланишида «суғурта тўловлари» сўзлари «суғурта мукофотлари» сўзлари билан алмаштирилсин, «мажбурий» сўзи эса чиқариб ташлансин;

жадвалда «суғурта тўловлари» сўзлари «суғурта мукофотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

2.2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.2. «Суғурталовчи» — суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қопламаси (суғурта суммаси) тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олувчи, тегишли турдаги суғуртани амалга оширишга лицензияга эга бўлган юридик шахс»;

2.7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.7. «Суғурта мукофоти» — суғурта шартномаси тузишда суғурталанувчи томонидан суғурталовчига тўланадиган тўлов»;

4.1-бандда «суғурта тўловлари» сўзлари «суғурта мукофотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

6.3-бандда «суғурта тўловлари» сўзлари «суғурта мукофотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг номланишида ва 8.1, 8.2, 8.3-бандларда «суғурта тўловлари» сўзлари «суғурта мукофотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8.4-бандда «ҳисоблаб чиқилган суғурта тўлови» сўзлари «ҳисоблаб чиқилган суғурта мукофоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

ХIII. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар олдида Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида» 2000 йил 18 февралдаги 59-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 2-сон, 9-модда):

1-бандда «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ва Ўзбекистон Республикаси бошқа суғурта ташкилотларининг полиси мавжуд бўлган тақдирда» сўзлари «қонун ҳужжатларига мувофиқ суғуртанинг мазкур турини амалга оширувчи суғурталовчининг полиси мавжуд бўлган тақдирда» сўзлари билан алмаштирилсин;

2 ва 3-бандларда «суғурта тўловлари» сўзлари «суғурта мукофотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

XIV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги



245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибининг 2-бандида:

«в» кичик банд чиқариб ташлансин;

«е» кичик бандда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси, унинг шўъба корхоналари, филиаллари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бошқа бўлинмалари» сўзлари «Суғурталовчилар бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» — «з» кичик бандлар тегишли равишда «в» — «ж» кичик бандлар деб ҳисоблансин.

XV. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги 167-сон қарори билан тасдиқланган «Сармоя, товарлар ва хизматларни экспорт қилувчиларга суғурта қопламаси бериш тартиби»да:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва экспорт контрактларини суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар суғурта ташкилотлари деб эътироф этилади.

Молия вазирлиги полислардан ваколатли банклар томонидан экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатишда фойдаланиш учун сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан экспорт контрактларини суғурта қилишга полислар беришга вакил қилинган суғурталовчилар рўйхатини белгилайди»;

4-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«экспорт контрактини амалга оширишдаги таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб суғурта ташкилоти контракт мажбуриятларини бажариш бўйича хорижий харидорнинг жавоб тариқасидаги кафолатини ёки кафолатини талаб этишга ҳақлидир»;

8-бандда:

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«экспорт контрактини амалга оширишдаги таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб суғурта ташкилоти хорижий харидор томонидан экспорт қилувчига ёки суғурта ташкилотига контракт мажбуриятлари бажарилиши бўйича кафолат ёки кафиллик тақдим этилишини талаб этишга ҳақлидир»;

йигирманчи хатбошида «кафил» сўздан кейин «ёки кафиликка ўтувчи» сўзлари қўшилсин;

йигирманчи хат бошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши қўшилсин:

«Суғурта ташкилоти ва ўзбекистонлик экспорт қилувчи суғурта зарари қайтарилиши чора-тадбирларини кўради (суғурта ташкилоти томонидан тўланган суғурта қопламаси суммасига муқобил бўлган нобудгарчиликни қоплаш)»;

йигирма биринчи хатбошида «хорижий харидор банкига» сўзларидан кейин «Қарз олувчига» сўзи, «тўғридан-тўғри хорижий харидорга» сўзларидан кейин «Қарз олувчига» сўзи қўшилсин;

ўттизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кредит битимини амалга оширишдаги таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб суғурта ташкилоти қарз олувчи томонидан кредитор банкка ёки суғурта ташкилотига кредит бўйича мажбуриятлар бажарилиши юзасидан кафолат ёки кафиллик берилишини талаб қилишга ҳақлидир»;

ўттиз учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қарз олувчи томонидан экспорт контракти суммасининг камида 15 фоизи тўла-ниши»;

қирқ биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«суғурта ташкилоти ва экспорт қилувчига хизмат кўрсатувчи тижорат банки томонидан зарарнинг қайтарилиши чора-тадбирлари кўрилиши (суғурта ташкилоти

томонидан тўланган суғурта қопламаси суммасига муқобил бўлган нобудгарчиликларни қайтариш)»;

9-банддан «сўмларда ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Суғурта тўлови (суғурта мукофоти) тўлаш тузилган суғурта шартномасига мувофиқ амалга оширилади»;

13-банд чиқариб ташлансин;

14-банд 13-банд деб ҳисоблансин;

13-бандда:


«г», «д» ва «е» кичик бандларида «3 ой» сўзи «6 ой» сўзи билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

А, Б ва В-иловалар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

А-ИЛОВА


**Экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш схемаси (банк кредитлари жалб қилинмасдан тўловни кечиктириш шартларида амалга ошириладиган экспорт контрактлари)**







Б-ИЛОВА


**«Маҳсулот етказиб берувчининг кредити» типى бўйича  
экспорт контрактлари бўйича тижорат банклари кредитларини  
суғурта қилиш схемаси**







В-ИЛОВА

**«Маҳсулот етказиб берувчининг кредити» типى бўйича экспорт контрактлари бўйича тижорат банклари кредитларини суғурта қилиш схемаси**







## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 181 Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*



1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалари томонидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини ўтказиш;

аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш.

2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ташкилий тузилмаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппаратининг 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тузилмаси тўғрисидаги;

бир ой муддатда туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференцияларини ҳамда икки ой муддатда – ҳудудий ва республика конференцияларини ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференцияларини ўтказишга доир ташкилий масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатсинлар.

Белгилансинки, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппарати, туман, шаҳар жамиятлари, шунингдек уларнинг ҳудудий бирлашмалари ижро этувчи аппаратларининг таъминоти ҳар ойлик аъзолик бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 3-иловага\* мувофиқ таркибда Идоралараро кенгаш ташкил этилсин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ишлари самарадорлигини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекис-

---

\* 3-илова берилмайди.

тон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига хўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўйидаги қўпол равишда бузилишлари учун олдиндан ёзма кўрсатма бермасдан жарима солишига рухсат берилсин:

истеъмолчига товар (ишлар, хизматлар) қиймати кўрсатилган, товарнинг харид қилинганлигини ёки ишларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи касса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш;

яроқлилиқ муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилиқ муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиш ва сотиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги:

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларига товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисида ахборот олишда зарур ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, санитария соҳасидаги қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ва сертификатлаш қоидалари талабларига риоя этилишини текшириш ишларига истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилсинлар;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаларига кўра товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ўзларига қарашли лабораторияларда уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда синовдан ўтказсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб белгиланган тартибда республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курсларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

адвокатлик идораларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун халқаро молия ташкилотларининг грантларини жалб этишда қўмаклашсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига улар-

нинг уставдаги вазифаларини ҳал этишда кўмаклашсинлар ҳамда Федерация марказий апаратини, ҳудудий бирлашмаларни, туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларини бир ой муддатда:

ижара шартларида, ижара ҳақи ундирмасдан ва коммунал хизматларга имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаган ҳолда хоналар билан;

ўз маблағлари ҳисобига мебель ва зарур техника воситалари билан таъминласинлар.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг туман, вилоят ва республика конференциялари кенг ёритилишини таъминласинлар;

телевидение ва радиоканалларда, даврий матбуот нашрларида «Истеъмолчи» рукни ташкил этилишини таъминласинлар, унда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятини, бу соҳадаги муаммолар ва камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни, истеъмол маданиятини ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аънаналарни кенг ва мунтазам ёритиб боришни назарда тутсинлар.


12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.У. Баҳромов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 28 ноябрь,  
414-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш  
жамиятларининг ташкилий  
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари  
федерацияси ижро этувчи аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ\***



\*) Доимий асосда ишлайдиган ходимларнинг умумий сони — 10 киши. Жамиятлар аъзолари ва иш ҳажми, шунингдек кириш ва ҳар ойлик аъзолик бадаллари кўпайишига қараб Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси марказий аппарат ходимлари сонини қайта кўриб чиқиши мумкин.

\*\*) Эксперт кенгашларда махсус билимларга эга бўлган, турли вазирликлар, идоралар ва илмий-тадқиқот институтларидан таклиф этилган мутахассислар қатнашадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 ноябрдаги 414 -сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига доир фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

### **II. Кенгашнинг асосий вазифалари**

3. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, республика истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотларининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизмини яратиш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишда қатнашиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги биргаликдаги ишларни ишлаб чиқиш мақсадида бошқа давлатларнинг давлат ва жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишга доир ишларни ташкил этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида манфаатдор халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан амалий алоқаларни таъминлаш ва уларни кенгайтиришга кўмаклашиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этиш;

республика аҳолисини истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш.

Кенгаш ўз фаолияти жараёнида барча даражалардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва истеъмолчилар бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади.

### III. Кенгашнинг ҳуқуқлари

4. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, идоралар, хўжалик уюшмалари, корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг ижроси масалалари бўйича ҳисоботларини эшитади ҳамда тегишли органларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунда белгиланган тартибини бузган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив материалларни қўллашида пайдо бўладиган масалаларни кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш;

турли даражалардаги давлат бошқарув органларидан, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлардан зарур ахборотлар олиш.

Кенгаш ишига мутахассислар, олимлар, экспертлар ҳамда турли ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари жалб этилиши мумкин.

### IV. Кенгашнинг таркиби ва иш тартиби

5. Кенгаш таркибига Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари киради.

Кенгаш ишига мутахассислар, олимлар, экспертлар ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатини амалга ошириш масалалари фаолияти соҳасига кирувчи турли ташкилотлар ва муассасаларнинг, шу жумладан хорижий ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари жалб этилиши мумкин.

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

6. Кенгашни раис бошқаради, Кенгаш таркибидан оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланадиган бир нафар ўринбосари ҳамда котиби бўлади.

Кенгаш раиси (у бўлмаганда — ўринбосар) Кенгаш фаолиятига раҳбарлик қилади, мажлисларда раислик қилади, унинг ишларини режалаштиради ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан умумий назоратни амалга оширади, Кенгаш номидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар киритади.

7. Котибият Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади, у Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ходимларидан иборат бўлади ҳамда ташкилий-техник ишларни амалга оширади.

8. Кенгаш ўз фаолиятини ўзи тасдиқлаган иш тартиби асосида амалга оширади.

Кенгаш мажлислари заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади ва протоколлар билан расмийлаштирилади.

9. Кенгаш қарорлари тавсиянома тусида бўлади ва мажлисда аъзоларининг 50 фоиздан ортиғи қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Қарорлар Кенгаш аъзоларининг очиқ овоз бериши йўли билан кўпчилик овози билан қабул қилинади (овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раиси ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлади) ҳамда мажлис ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда манфаатдор шахсларга етказилади.

Кенгаш мажлислари протоколлари раис (ўринбосар) ва котиб томонидан имзоланади.

Идоралараро кенгашнинг жамоатчилик бирлашмаларидан бўлган аъзолари маслаҳат овози ҳуқуқига эгадирлар.

10. Кенгашга кўриб чиқиш учун киритиладиган масалалар ва унинг қарорлари лойиҳалари Кенгаш аъзолари томонидан тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа марказий бошқарув органлари, шунингдек жамоат бирлашмалари вакиллари билан биргаликда тайёрланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари  
федерацияси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-  
қувватлаш жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Асосий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи томонидан солинадиган жарималарни хўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 26 августдаги 370-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади)нинг мақсади ва вазифаларини белгилайди, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибини назарда тутди.

3. Жамғарма Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси ҳузурида ташкил этилади.

**II. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини  
ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг мақсади ва  
вазифалари**

4. Жамғарма жамоат бирлашмаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

соҳасидаги фаолиятининг иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларини, кафолатларини ҳамда рағбатлантирилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

5. Қўйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатининг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш;

ҳаракатнинг самарали фаолият кўрсатишини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тадбирларининг ривожлантирилишини ва амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш.

### **III. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантириш тартиби**

6. Жамғарма истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари аъзоларининг манфаатдорлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари аъзолари ташаббуси натижасида ва ташаббусига кўра аниқланган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан жарима солинган тақдирда, олиб қўйиладиган ва Жамғармага ўтказиладиган маблағларнинг 35 фоизи уларнинг ҳисоб рақамларига йўналтирилади.

7. Жамғармага тушадиган маблағлар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг махсус ҳисоб рақамида жамланади.

### **IV. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш**

8. Жамғарма маблағларидан фақат истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолияти (тадбирлари) харажатларини маблағ билан таъминлашга қўйидаги мақсадли йўналишлар бўйича фойдаланилади:

жамоатчиликни ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш бўйича мутахассисларни жалб этган ҳолда мониторинглар, ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига доир материалларни эълон қилиш, шарҳлар, ўқув-услубий қўлланмалар, плакатлар, буклетлар, даврий нашрларни ишлаб чиқиш, оммавий-ахборот воситаларида чиқишларни, ахборотларни, семинарларни, давра суҳбатларини ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга йўналтирилган бошқа тадбирларни ташкил этиш;

товарлар (ишлар ва хизматлар)нинг энг яхши ишлаб чиқарувчиларини аниқлашга



ва рағбатлантиришга йўналтирилган танловлар, викториналар, олимпиадалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

9. Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **182** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан солиқларни ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолларини аниқлаш, солиққа оид жиноятлар ва қонун бузилишларининг олдини олиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ва давлатга етказилган зарарни ундириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, Департамент ва унинг жойлардаги органлари ишларининг натижадорлиги улар олдида қўйилган вазифаларга, биринчи навбатда «яширин» иқтисодий фаолиятни аниқлаш ва олдини олиш, хўжалик, молия-валюта соҳасида белгиланган қонун нормаларини бузиш йўли билан давлат манфаатларига етказилаётган жиддий зарарни аниқлаш бўйича қўйилган вазифаларга тўлиқ жавоб бермаяпти.

Департаментнинг ахборот-таҳлилий ишлари даражаси, қўлланилаётган таҳлил методлари замонавий талабларга жавоб бермайди. Кўп ҳолларда қонун ҳужжатларининг кўриниб турган бузилишлари аниқланмоқда. Айни бир вақтда жиддий жиноятларга олиб келаётган чуқур сабаблар эътибордан четда қолмоқда.

Солиқ ва иқтисодий жиноятларга қарши курашишда қатъият етишмаяпти, солиқларни тўлашдан бош тортишнинг мавжуд механизмлари ва йўлларини аниқлашга доир ишлар етарли самара билан олиб борилмаяпти.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органлари, Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ишлари қоникарсиз йўлга қўйилган.

Валюта соҳасида йўл қўйилаётган қонун бузилишлари ва жиноятлар фаолият доирасидан четда қолмоқда.

Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашишни янада кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) айлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарори билан илгари тасдиқланган функцияларга қўшимча равишда, Департаментга ва унинг ҳудудий бўлинмаларига валютага оид жиноятларга қарши курашишни кучайтириш бўйича қуйидаги вазифалар юклансин:

хорижий валютада операцияларни амалга оширишда қонун бузилишларини аниқлаш, уларни бартараф этиш, олдини олиш ва профилактика қилиш;

хорижий валюта маблағларининг четга чиқиб кетиши механизмлари ва йўллари, уларнинг ноқонуний айланишини, хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бош тортиш ҳолларини аниқлаш бўйича оператив-таҳлилий, қидирув ишларини ўтказиш;

республика ҳудудда резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

хорижий валютадаги тўловлар амалга оширилишининг қонунийлигини, валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини текшириш;

норматив-ҳуқуқий базани, энг аввало валюта алмаштириш операциялари, шунингдек валюта маблағларини ноқонуний олиб келиш ва олиб чиқиб кетиш соҳасида қонун бузилишларининг олдини олиш ва профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ўтказилаётган хорижий валютадаги операциялар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, улар билан ишлаш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш;

валюта соҳасидаги қонун бузилишлари ва уларни содир қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш ва маълумотларнинг компьютер базасини яратиш;

хорижий валютани сотиб олиш ва импорт-экспорт ҳамда воситачилик операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ валютага оид қонун бузилишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан валютани тартибга солиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишни ва ахборотлар алмашишни амалга ошириш, бунда жиноий йўллар билан олинган даромадларнинг қонунийлаштирилишига (ҳалоллаб олинишига) қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор бериш.

### 3. Ходимларнинг штатдаги умумий сони доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Департамент тузилмасида 10 кишидан иборат;

Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси тузилмасида 20 кишидан иборат бўлган валютага доир жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, кўрсатиб ўтилган функциялар бошқа минтақаларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаларининг солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлимлари томонидан бажарилади.

### 4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг ташкилий-штат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаларининг, шунингдек туман (шаҳар) прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий ташкилий-штат тузилмалари 2, 2а, 3, 3а-иловаларга\* мувофиқ;

\* 2, 2а, 3, 3а-иловалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори:

валютага оид жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилишга ихтисослашган суриштирувчилар ва терговчиларни қайта тайёрлашни, тергов давомида ноқонуний валюта операцияларининг барча қатнашчиларини, энг аввало жиной гуруҳларнинг ташкилотчиларини, шунингдек хорижий валютанинг ноқонуний айланиши молиявий манбалари ва йўлларини аниқлашга доир чора-тадбирлар кўришни таъминласин;

ташқил этилган бўлинмаларни юқори касб малакасига ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали кадрлар билан бутлашни бир ой муддатда таъминласин;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича махсус комиссия тузсин.

Комиссия аттестацияни икки ой муддатда амалга оширсин, бунда ходимларнинг касб бўйича тайёргарлик даражасининг қўйиладиган талабларга мувофиқлигини, уларнинг таҳлилий фикрлаш қобилиятини, шунингдек ишчанлик ва шахсий сифатларини танқидий баҳоласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентларга ягона марказлаштирилган компьютер ҳисобини юритиш учун зарур бўлган валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Департаментга тақдим этиш юклансин.

Бош прокуратура манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда валюта назорати органлари ва агентлари томонидан аниқланган қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 32-модда)га 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Бош прокуратура Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин.

10. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда 2003 йилги инвестиция дастурига Департаментда валюта соҳасидаги қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратишни киритсинлар.


11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 28 ноябрь,  
415-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 ноябрдаги 415-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш  
департаментининг ташкилий-штат тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 ноябрдаги 415-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш  
департаменти тўғрисида  
НИЗОМ**

**[Кўчирма]**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, вазифалари ва функцияларини, тизими ва тузилмасини, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади, солиқ ва валютага оид жиноятларга ва ҳуқуқ бузилишларига қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

**II. Департаментнинг асосий вазифалари**

4. Қўйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- солиқ ва валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;
- солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчилар тўлиқ қамраб олиниши ва ҳисобга олиниши, нақд пул маблағлари муомаласининг белгиланган тартиби бузилишига барҳам бериш;
- экспорт, бартер ва консигнация контрактлари бўйича валюта маблағларининг хориждан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини назорат қилиш;
- хорижий нақд валютанинг ноқонуний муомаласига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш;
- валюта алмаштириш операциялари соҳасида суиистеъмолликлар ва бошқа қонун бузилиши ҳолларини аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тезкор тадбирларни амалга ошириш;
- республика ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
- миллий ва хорижий валютадаги тўловларнинг асосланганлигини, ҳисоб ва ҳисоботнинг тўлиқлигини ва объективлигини текшириш;
- хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланиши, четга чиқиб ва яшириб

қолинишининг мавжуд механизмлари ва йўлларини, уларнинг ноқонуний айланишини, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан, хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бўйин товлаш, бош тортиш ҳолларини, «яширин» иқтисодиётни шакллантириш йўлларини, коррупция ҳолларини аниқлашга қаратилган самарали оператив-таҳлилий, кидирув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда ўтказилаётган хорижий валютадаги операциялар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, улар билан ишлаш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш;

валюта соҳасидаги қонун бузилишлари ва уларни содир қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш ва маълумотларнинг компьютер базасини яратиш;

хорижий валютани сотиб олиш ва импорт-экспорт ҳамда воситачилик операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ валютага оид қонун бузилишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан валютани тартибга солиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишни ва ахборотлар алмашишни амалга ошириш, бунда жиноий йўллар билан олинган даромадларни қонунийлаштиришга (ҳалоллаб олинишига) қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор бериш;

норматив-ҳуқуқий базани, энг аввало солиқ соҳасида ва валюта муомаласи соҳасида ҳуқуқни бузишларнинг олдини олиш ва профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш;

одамларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлашга доир мунтазам иш олиб бориш, фуқароларда иқтисодий фаолият, солиқ сиёсатини амалга ошириш ва валютани тартибга солиш соҳасида конституциявий нормалар ва амалдаги қонун ҳужжатлари бажарилиши зарурлигини тушунишни шакллантириш;

аҳолида солиқ тўлашдан бўйин товлаш, иқтисодиёт, валюта ва солиқ соҳасида жиноятлар содир этганлик учун жазонинг муқаррарлигини тушунишни тарбиялаш.

### III. Департаментнинг асосий функциялари

5. Департамент ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

тезкор-кидирув фаолияти соҳасида:

а) қўйидагиларнинг механизмларини ўрганади ва аниқлайди:

ишлаб чиқариш, фойда (даромад) ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пасайтириш;

ҳўжалик субъектлари томонидан ҳисобга олинмаган (тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган) маҳсулотлар (товарлар) сотилиши;

«яширин» иқтисодиётнинг вужудга келиши, қарор топиши ва фаолият кўрсатиши, унинг ривожланишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитлар;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ инспекцияларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши;

хорижий валюта маблағларининг яшириб қолиниши, четга чиқиб кетиши, ноқонуний айланиши ва хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бўйин товлаш йўлларини;

б) қўйидагиларни амалга оширади:

нақд пул муомаласига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд

пул маблағлари айланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилишини, шунингдек акциз солиғи солинадиган товарларнинг ғайриқонуний ишлаб чиқарилиши ва айланишини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишга доир махсус тадбирларни;

солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўлашдан, солиқ органларига ҳисоботлар, солиқ декларациялари ва ҳисоб-китоблар тақдим этишдан қасддан бўйин товловчи солиқ тўловчиларнинг турар жойини аниқлашга доир тезкор-кидирув тадбирларини;

солиқ ва валюта ҳақидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш соҳасида: хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга солиқлар ва тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини текшириш йўли билан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектларни муқобил текширади, текширилаётган (тафтиш қилинаётган) ташкилотдаги ҳужжатлар ва маълумотларни пул маблағлари, моддий бойликлар ва ҳужжатлар олинган ёки улар берилган ташкилотлардаги ёзувлар, ҳужжатлар ва маълумотлар билан солиштиради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз мажбуриятларини ноҳалол бажариши ҳолларини аниқлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органларини назорат тартибида текширишни ташкил этади;

хорижий валютадаги операцияларни амалга оширишда қонун бузилишларини аниқлаш, бартараф этиш, олдини олиш, профилактика қилиш чора-тадбирларини кўради;

республика ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўланиши ва ҳисоб-китоблар ўтказилиши ҳолларини аниқлайди ва бартараф этади;

амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда ўтказилаётган хорижий валютадаги операциялар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, улар билан ишлаш ва уларни атрофлича таҳлил қилишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан валютани тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик қилади, бунда жинорий йўллар билан олинган даромадларнинг қонунийлаштирилишига (ҳалоллаб олинishiга) қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор беради;

суриштирув олиб бориш соҳасида:

жинорий ишлар қўзғайди, солиқ ва валютага оид жиноятлар содир этилиши ҳоллари юзасидан суриштирувгача текширишларни ташкил этади ва амалга оширади;

Департаментнинг ҳудудий бўлинмаларида суриштирув олиб борилишини назорат қилади;

ташкилий-назоратни таъминлаш соҳасида:

солиқ ва иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва барҳам беришга қаратилган режали, режадан ташқари тадбирлар ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишига доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади;

ўз ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини ижро ва хизмат интизомига, амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан улар томонидан ўз функционал мажбуриятлари бажарилиши бўйича идоравий текширишлар ўтказилади;

кадрлар билан таъминлаш соҳасида:

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, Департамент ва унинг жойлардаги бўлинмалари кадрлари захирасини шакллантиришга доир тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари жамоасида соғлом маънавий-психологик муҳит яратишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади, Департа-



мент ходимларининг касб тайёргарлиги ва ижтимоий муҳофазаси ташкил этилишини таъминлайди;

ахборот-таҳлилий ишлар, мувофиқлаштириш ва ҳуқуқий таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари қўлланилиши амалиётини умумлаштиради, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, шу жумладан валюта алмаштириш операциялари, валюта маблағларининг ноқонуний олиб келиниши ва олиб чиқиб кетилиши соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш ҳамда профилактикаси борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва Бош прокуратурага киритади;

солиқ ва валюта ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолларини йиғади, атрофлича таҳлил қилади ва баҳолайди ҳамда тегишли органларга иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятлар содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида таклифлар киритади;

валюта соҳасидаги қонун бузилишларининг ва уларни содир қилган шахсларнинг марказлаштирилган компьютер ҳисобини юритади;

тезкор-хизмат фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

прокуратура раҳбариятига иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш натижалари ва муаммолари тўғрисида ахборот беради;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга доир услубий ишларни олиб боради;

ходимларни ўқитишни, шу жумладан ишда замонавий фан ютуқлари ва янги технологиялардан фойдаланиш бўйича ўқитишни ташкил этади ва амалга оширади.

#### **IV. Департаментнинг тузилмаси ва унинг ишларини ташкил этиш**

6. Департамент қуйидаги бўлинмалардан иборат бўлади:

Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашишни мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлилий таъминлаш бошқармаси;

Солиққа оид жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлими;

Валютага оид жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлими;

Криминалистика лабораторияси;

Тезкор гуруҳ;

Солиқ ва валютага оид жиноятларни суриштириш бўлими;

Ҳужжатли текширишлар бўлими;

Норматив-ҳуқуқий база бўлинмаси;

Шахсий таркиб бўйича инспекция;

Кадрлар бўлими;

Молия-хўжалик бўлинмаси;

Департаментнинг ҳудудий бўлинмалари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) прокуратуралари ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш туман (шаҳар) бўлимлари).

7. Департаментга мақомига кўра Бош прокурорнинг ўринбосарига тенглаштирилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Департамент бошлиғининг ўринбосарлари лавозимга Департамент бошлиғи тақдимномасига биноан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Бош прокурор томонидан тайинланади.

Худудий бошқармалар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, Департаментнинг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари тегишли лавозимларга Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Бош прокурор томонидан тайинланади.

8. Департамент мустақил юридик шахс ҳисобланади, банк муассасаларида ҳисобкитоб, жорий ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг герби тасвири туширилган ва Департаментнинг номи тўлиқ ёзилган муҳрга эгадир.

#### **V. Департамент ва унинг худудий бўлинмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Департамент ва унинг худудий бўлинмалари ўзларига юкланган вазифаларга ва бажарадиган функцияларига мувофиқ қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари бўлинмаларининг телекоммуникация воситалари ва маълумотлар компьютер базалари, шунингдек солиқ тўловчиларнинг ҳужжатлари билан қонунда белгиланган тартибда танишиш;

солиқ органлари ва бошқа органлар ходимлари томонидан ҳуқуқни бузишлар яширилиши тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда қонунда белгиланган тартибда такрорий текширишларни амалга ошириш;

суриштирувгача текширишларни амалга ошириш ва жиноий ишлар қўзғаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Департамент бўлинмалари ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушунтиришлар, маълумотномалар, маълумотлар олиш учун таклиф қилиш;

агар фуқаролар ва мансабдор шахслар солиқ ва хорижий валюта айланиши соҳасида жиноят содир этганликда шубҳаланиш учун етарли асослар мавжуд бўлса белгиланган тартибда уларнинг зарур ҳужжатларини текшириш;

вазирликлар, идоралар, банклардан, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, жисмоний шахслардан Департаментга юкланган вазифалар бажарилиши учун зарур бўлган ахборотни талаб қилиш, бундай ахборот олишнинг қонун томонидан махсус тартиби белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Департамент томонидан олинган ахборотдан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади ва у ошқор қилиниши мумкин эмас;

хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, омбор, савдо биноларини ва бошқа бинолари ва жойларини уларнинг жойлашган жойидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар текшириш, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни назорат тартибида ўлчаш, товар-моддий бойликларни хатлаш;

қурилиш, монтаж, таъмирлаш ишлари ва бошқа ишларни назорат тартибида ўлчаш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

текшириш, тадқиқ этиш ва экспертиза ўтказиш учун товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ валюта назорати органлари ва агентларига берилган функцияларни бажариш;

юридик ва жисмоний шахслардан улар фаолиятига тегишли маълумотлар, маълумотномалар, ҳужжатларни олиш;

хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа рақамлари бўйича содир этилган операциялар тўғрисидаги банк ва бошқа кредит-молия муассасалари маълумотларини олиш;

божхона органлари ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигидан импорт-экспорт операцияларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ва хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) тўғрисидаги бошқа ахборотни олиш.

11. Департамент ходимларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар ҳам берилади.

12. Департамент ходимлари давлат, хизмат, тижорат сирини, жисмоний шахсларнинг омонатлари тўғрисидаги маълумотлар сирини ва улар ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олган бошқа ахборотни сир сақлашлари керак. Сир ошкор қилинган тақдирда ходим қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

13. Департамент берилган ваколатларга мувофиқ ўз ҳудудий бўлинмалари фаолияти устидан улар фаолиятининг бутун доираси бўйича тезкор назоратни амалга оширади.

14. Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар Департамент бўлинмалари ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тушадиган хабарлар ва аризалар ҳисобга олиниши, рўйхатдан ўтказилиши ва кўриб чиқилишининг белгиланган тартибига риоя қилинишига, текширишлар, суриштирувлар ва улар билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши, солиқ ҳақидаги қонунлар бажарилиши текширилиши ҳамда прокурорнинг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалалар материаллари бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлигига риоя қилиш бўйича фаолияти устидан назорат қилинишини таъминлайдилар.

## **VI. Прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш**

15. Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича процессуал ҳаракатларнинг жинойий иш кўзғашдан бошлаб уни судда кўриб чиқишга қадар узвийлиги ва изчиллиги Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар бўйича жинойий ишларни тергов қиладиган, судда улар бўйича давлат айбловини қўллаб-қувватлайдиган барча даражалардаги прокуратура органлари билан мустақкам ўзаро ҳамкорлиги ва хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириши натижасида таъминланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ва унинг жойлардаги органларига:

иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятлар ҳоллари бўйича жинойий ишларни ўз вақтида тергов қилиш масалалари, уларнинг тезроқ судга берилиши юкланади, бунда жинойий иш кўзғатилган вақтдан бошлаб суд қарори қабул қилингунга қадар жинойий ишни кўриб чиқиш муддатларини энг кўп даражада қисқартириш назарда тутилади;

иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш олиб бориш давомида қонунийликка ва жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик ва фуқаролик-процессуал кодекслар нормаларига риоя этишни умумий назорат қилиш юкланади.

17. Департамент Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан белгиланган муддатларда Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иши тўғрисидаги ҳамда солиқ соҳасида ҳамда валюта айланиши соҳасида қонунийликнинг ҳолати ҳақида ҳисобот, ахборот ва ҳисобга олиш-таҳлилий маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди.

18. Валютани тартибга солиш, солиқ солиш ва бюджетга тўловлар соҳасида қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга ошириладиган Департа-

мент тадбирларини жорий ва истиқболли режалаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда амалга оширилади.

19. Бош прокурорнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган буйруқлари ва кўрсатмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳайъатининг Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарорлари Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг барча ходимлари томонидан сўзсиз бажарилиши керак.

20. Солиқ, бюджет соҳаларида ва валютани тартибга солиш соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, даромадлар ва солиқ солиш объектлари ҳисобга олишдан яширилганлиги, солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бўйин товланганлиги учун жазонинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш бўйича қўшма тадбирлар амалга оширилишида Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади.

#### **VII. Давлат солиқ хизмати органлари, валютани назорат қилиш органлари ва агентлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш**

21. Департамент давлат солиқ хизмати органлари, валютани назорат қилиш органлари ва агентлари билан қуйидаги йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади:

солиқ ва валютага оид ҳуқуқни бузишларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, уларнинг профилактикаси бўйича ҳар ойлик, чораклик ва йиллик тадбирларга мувофиқ тегишли тафтишлар ўтказилишини ташкил этиш;

прогноз кўрсаткичлар бажарилишида, солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган тўловларни ундиришда давлат солиқ инспекцияларига қўмаклашиш;

валютани назорат қилиш органлари ва агентлари томонидан валютага оид ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;

солиқ ва валютага оид ҳуқуқни бузишларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қўшма рейдлар ўтказиш;

тезкор аҳамиятли ахборотларни айирбошлаш.

22. Ўзаро ҳамкорлик Департаментнинг вазифалари, функциялари ва мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган тартибда бошқа йўналишлар бўйича ҳам амалга оширилади.

#### **VIII. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш**

23. Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда, прокуратура томонидан амалга ошириладиган қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш доирасида:

бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашишнинг узок муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

солиқ ва валютага оид жиноятлар бўйича қўзғатилган жиноий ишларни тергов қилишга процессуал қўмаклашиш учун масалаларнинг бутун доираси юзасидан прокуратуранинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишни таъминлайди;

прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорликда Департамент ва унинг ҳуду-

дий бўлиналари томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича улар қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ўтказилган вақтдан бошлаб ишлар кўриб чиқилишига ва суд инстанцияларида қарор қабул қилинишига қадар назоратни амалга оширади;

ички ишлар органлари билан биргаликда тезкор ахборотни айирбошлаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаган ҳамда солиқ ва валютага оид жиноятлар содир этган шахсларни қидириш ва ушлаш тадбирларини амалга оширади;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ушбу соҳада ҳуқуқни бузишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни ўзаро айирбошлайди.

### **IX. Департамент ходимларининг жавобгарлиги**

24. Департамент ходимлари ўз функционал вазифалари бажарилмаганлиги ёхуд зарур даражада бажарилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

25. Ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

### **X. Департаментни ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

26. Департамент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 ноябрдаги 415-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги 291-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг биринчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 2-бандда «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги» ва «Солиққа оид жиноятларни» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги», «солиқ ва валютага оид жиноятларни» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 4-банднинг биринчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида «солиққа», «солиқ» сўзлари тегишли равишда «солиқ ва валютага», «солиқ ва валюта» сўзлари билан алмаштирилсин;

4. 5-бандда:

биринчи хатбошида «солиққа оид жиноятларни» ва «иқтисодий ва солиқ соҳасидаги» сўзлари тегишли равишда «солиқ ва валютага оид жиноятларни» ва «иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги ҳамда хорижий валюта айланиши соҳасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида «биринчи навбатда» сўзлари чиқариб ташлансин, «иқтисодиёт ва солиққа оид» сўзлари «иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошида «иқтисодиёт ва солиққа оид» сўзлари «иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид» сўзлари билан алмаштирилсин.

7-бандда:

иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 8-банднинг иккинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларда «Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 9, 10, 12-бандларда ва 14-банднинг биринчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 14-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида «Солиққа оид жиноятларга» сўзлари «Солиқ ва валютага оид жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. 1, 2, 2а, 3, 3а, 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. 4 ва 4а-иловаларнинг номланишидаги «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. 6-иловада:

илованинг номланишида, 1-бандда ва иловада «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

